

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Юлдашев Нодирбек Сайдибурхонович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0000-0002-3252-9837

yuldashevnodirbek@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва инклюзив ривожланишида тутган стратегик ўрни таҳлил этилади. Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ишлаб чиқариш, технологик янгиланиш, экспорт салоҳияти ва меҳнат бозорига таъсири илмий ва амалий жиҳатдан баҳоланган. Шунингдек, халқаро тажриба ва миллий ислохотлар асосида хорижий сармоялар самарадорлигини оширишга қаратилган институционал таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, инвестицион муҳит.

ВЛИЯНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ НА УСТОЙЧИВЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ В УЗБЕКИСТАНЕ

Юлдашев Нодирбек Сайдибурхонович

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье проанализирована стратегическая роль иностранных инвестиций в обеспечении устойчивого и инклюзивного экономического развития Узбекистана. Особое внимание уделено влиянию прямых иностранных инвестиций на производство, технологическое обновление, экспортный потенциал и рынок труда. Кроме того, на основе международного опыта и национальных реформ предложены институциональные рекомендации по повышению эффективности привлечения и использования иностранных капиталовложений.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, экономический рост, устойчивое развитие, инвестиционный климат.

THE IMPACT OF FOREIGN INVESTMENTS ON SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN

Yuldashev Nodirbek Saydiburkhonovich

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article examines the strategic role of foreign investment in promoting sustainable and inclusive economic development in Uzbekistan. Particular emphasis is placed on the impact of foreign direct investment on production, technological modernization, export capacity, and the labor market. The study also presents institutional recommendations for improving the effectiveness of foreign capital utilization, drawing on international experience and national reform strategies.

Keywords: foreign investment, economic growth, sustainable development, investment climate.

Кириш.

Глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган шароитда хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи стратегик омиллардан бирига айланмоқда. Хусусан, тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар нафақат капитал оқимини таъминлайди, балки замонавий технологияларнинг кириб келиши, юқори малакали меҳнат унумдорлиги, бошқарув тажрибаси ва халқаро бозорлар билан интеграциялашув имкониятларини ҳам тақдим этади. Давлатлар ўз иқтисодий сиёсатларини хорижий сармояларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтириш орқали ташқи молиявий ресурсларни иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий омилга айлантирмоқдалар.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва очиқлик тамойилларини қарор топтириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президент ташаббуси билан қабул қилинган “Стратегия–2030”, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, солиқ-ташқи савдо режимларини оптималлаштириш, инвестициявий маъмуриятни соддалаштириш бўйича ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши хорижий сармоялар оқимини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда 2023 йил якунларига кўра тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар ҳажми 10 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлиб, бу мамлакат иқтисодиётига бўлган халқаро ишончнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

Барқарор иқтисодий ривожланиш - бу нафақат иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори бўлиши, балки уларнинг узлуксизлиги, ҳудудий мувозанатлилиги ва экологик ҳамда ижтимоий барқарорлик билан биргаликда таъминланишидир. Хорижий инвестициялар мазкур мезонларнинг барчасига бевосита таъсир этувчи омили сифатида намоён бўлади. Тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар орқали жорий этилган илғор ишлаб чиқариш технологиялари, энергия самарадор ечимлари ва рақамли трансформация воситалари Ўзбекистон иқтисодиётида қўшилган қиймат даражасини ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Неоклассик макроиқтисодий назарияда хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётида капитал тақчиллигини бартараф этиш, ишлаб чиқариш функциясини кенгайтириш ва умумий самарадорликни оширишнинг асосий омили сифатида қаралади. Solow (1956) томонидан ишлаб чиқилган ўсиш моделига кўра, инвестициялар орқали иқтисодиётда капитал захиралари кўпайиб, меҳнат унумдорлиги ва ялпи ички маҳсулот ўсишига туртки беради. Бу моделида хорижий инвестициялар ташқи омил сифатида кириб келиб, ишлаб чиқариш функцияси орқали иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади.

Borensztein, De Gregorio ва Lee (1998) томонидан ўтказилган тадқиқотда тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар фақат капитал манбаи сифатида эмас, балки технологик трансфер воситаси сифатида ҳам қаралиши зарурлиги таъкидланган. Улар тадқиқотлари орқали хорижий инвестициялар меҳнат унумдорлигини ошириши, лекин бу таъсир инсон капитали ривожланган давлатларда сезиларли бўлишини исботлаганлар.

Dunning (1980, 1993) томонидан илгари сурилган “Эклектик парадигма” ёки “OLI-модел” хорижий сармоядорларнинг инвестициявий қарорларини тушунтиришда кенг қўлланилади. Ушбу модель инвестиция қарорини қабул қилишда уч омилни ажратади:

Мулқдорлик афзалликлари: компаниянинг технологик устунлиги, интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш ноу-хау ва бренд қиймати.

Жойлашув афзалликлари: сармоя киритиладиган мамлакатда меҳнат ресурслари, табиий бойликлар, бозорлар, солиқ имтиёзлари ёки сиёсий барқарорлик мавжудлиги.

Ичкилаштириш афзалликлари: ташқи бозорда эмас, балки тўғридан-тўғри филиал ёки қўшма корхона орқали фаолият юритиш самаралироқ эканлигини англатади.

Бу модель хорижий сармоя киришига туртки берадиган омилларни ҳар томонлама изоҳлаш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон шароитида ер ресурсларининг бойлиги, фоииз ва солиқ имтиёзлари, меҳнат бозоридаги харажатлар устунлиги “Жойлашув” омилини кучайтиради.

Сўнгги йилларда хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги ва барқарор ривожланишга таъсирини баҳолашда институционал иқтисодиёт назарияси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. North (1990) ва Rodrik (2004) каби олимлар томонидан ривожланган институционал муҳит (яъни, ҳуқуқий барқарорлик, контрактларни ҳимоя қилиш, суд тизимининг самарадорлиги) хорижий сармоядорларнинг фаоллигини кескин ошириши таъкидланган.

Rodrik (2004) таъкидлаганидек, ҳукуматнинг сифатли бошқаруви, самарали давлат сиёсати ва шаффофлик даражаси хорижий инвестициялар оқимини белгилайдиган ҳал қилувчи омиллардан биридир. Шу маънода, Ўзбекистондаги сўнгги институционал ислохотлар - ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, инвестициявий ҳимоянинг конституциявий кафолатлари ва “бир дераза” тамойили асосида хизмат кўрсатиш - OLI моделидаги “Location” ва “Internalization” омилларини мустаҳкамлаши мумкин.


Тўғридан-тоғри хорижий инвестицияларнинг барқарор ривожланишга таъсирини ўрганувчи замонавий тадқиқотлар бу инвестицияларнинг нафақат иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий, экологик ва технологик кўрсаткичларга ҳам таъсир қилишини кўрсатади. UNCTAD (2023) ва OECD (2022) ҳисоботларида тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар “яшил иқтисодиёт”, энергия самарадорлиги ва рақамли трансформацияни рағбатлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланган.

Бу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун хорижий сармоялар нафақат миқдор жиҳатидан, балки уларнинг таркибий йўналиши, технологик даражаси ва маҳаллий инфратузилма билан уйғунлашув даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини таҳлил этиш, иқтисодий ўсишнинг таркибий манбаларини аниқлаш, сармоядорлар учун устувор аҳамиятга эга бўлган тармоқларни белгилаш ҳамда самарали инвестициявий сиёсатни шакллантиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш, шунингдек, молиявий ва ҳуқуқий инфратузилмани модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бундай шароитда, жаҳон инвестицион бозорларидаги динамик ўзгаришлар, геоиқтисодий мувозанатнинг қайта шаклланиши, глобал рақобатнинг кучайиши ва технологик трансформация жараёнлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини чуқур таҳлил қилиш ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш долзарб илмий вазифалардан бирига айланмоқда.

Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2024 йилнинг дастлабки чорагида жадал суръатларда ўсиб, 32,8 фоизга ошди ва жами инвестициялар ўсишига 29,5 фоиз банд ҳисса қўшди. Бу кўрсаткич иқтисодиётда хусусий ва хорижий сармоялар роли ортиб бораётганини яққол тасдиқлайди.



1-расм. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг реал ўсиши декомпозицияси

Шунингдек, марказлашмаган маблағлар ҳиссаси умумий инвестиция структурасида муттасил кенгайиб бораётгани, давлат сармояларига нисбатан хусусий секторнинг фаоллашуви ва бозор муносабатлари механизмининг фаол ишлаётганини кўрсатади. Ушбу маблағларнинг улуши асосий капиталга йўналтирилган умумий инвестиция ҳажмининг 90 фоизини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоиз бандга ошган.



2-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млн. долларда

Шу билан бирга, 2024 йил давомида мамлакат иқтисодиётига 11,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди, бу эса 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 53,6 фоизга юқори кўрсаткичдир. Бундай сезиларли ўсиш Ўзбекистондаги инвестициявий ислохотларнинг самарадорлиги, халқаро сармоядорлар ишончининг мустаҳкамланаётгани ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини англатади. тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар оқими асосан саноат, энергетика, инфратузилма ва транспорт соҳаларига йўналтирилган бўлиб, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва технологик модернизацияни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу сармоялар янги иш ўринлари яратилиши, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш қувватларининг ошиши ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига туртки бери.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари барқарор равишда ошиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 107,1 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 174,5% ўсган. Бу ҳолат мамлакатда инвестицион фаолликнинг жадаллашаётганидан ва тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар учун қулай муҳит шаклланаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳиссаси 93% га етгани хусусий ва хорижий инвестициялар улуши ортиб бораётганини кўрсатади.

Шу асосда, хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига янада катта ҳисса қўшишини таъминлаш учун қуйидаги устувор йўналишларни амалга ошириш таклиф этилади: биринчи навбатда, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва суд тизимида ишончни таъминлаш зарур. Хусусан, халқаро арбитраж нормаларига мос, мустақил ва тезкор низоларни ҳал этиш механизмлари жорий этилиши лозим. Иккинчидан, инвестиция оқимини ҳудудлар кесимида мувозанатлаштириш, яъни фақат пойтахт ва йирик шаҳарлар эмас, балки иқтисодий салоҳиятга эга минтақаларда ҳам қулай муҳит яратиш талаб этилади. Учинчидан, инвестицияларни юқори технологияли тармоқларга йўналтириш, маҳаллий ишлаб чиқариш билан чуқур кооперацияни таъминлаш орқали технологик трансферни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларда “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим драйвер вазифасини бажармоқда. Унинг самарадорлигини ошириш учун фақатгина маблағ жалб этиш эмас, балки институционал, ҳудудий ва соҳавий даражада мувозанатли ва стратегик ёндашувни шакллантириш зарур. Бундай ислохотлар мамлакатнинг халқаро инвестицион имиджини янада яхшилайдиган, юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқаришларни кўпайтиришга ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Alfaro, L. (2003). *Foreign Direct Investment and Growth: Does the Sector Matter?* Harvard Business School Working Paper No. 2003-020.
- Borensztein, E., De Gregorio, J., & Lee, J-W. (1998). *How Does Foreign Direct Investment Affect Economic Growth?* *Journal of International Economics*, 45(1), 115–135.
- Dunning, J. H. (1993). *Multinational Enterprises and the Global Economy*. Addison-Wesley.
- North, D.C. (1990). *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge University Press.

- OECD. (2022). *FDI Qualities Indicators: Measuring the Sustainable Development Impacts of Investment*. OECD Publishing, Paris.
- Rodrik, D. (2004). *Institutions and Economic Performance*. International Monetary Fund.
- Solow, R.M. (1956). *A Contribution to the Theory of Economic Growth*. *Quarterly Journal of Economics*, 70(1), 65–94.
- UNCTAD. (2023). *World Investment Report: Investing in Sustainable Energy for All*. United Nations, Geneva.